УДК 930.268

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА АЁЛЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДАГИ ИШТИРОКИ

(Андижон вилояти мисолида)

Н.М. Ҳасанова

Мақолада мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, давлат ва жамият бошқарувида улар нуфузи ва мавқеини ошириш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш борасидаги стратегик вазифаларни амалга ошириш масалалари тадқиқ этилган. Ижтимоий барқарорлик ва иқтисодий ислоҳотлар тараққиётида хотин-қизлар қўмиталарининг аҳамияти ва роли, улар олиб бораётган фаолият тарихи билан боғлиқ масалалар Андижон вилояти мисолида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: *замонавий жамият, хотин-қизлар, ислоҳотлар, давлат бошқаруви, гендер тенглик, ижтимоий фаоллик, қонунчилик.*

В статье рассматриваются вопросы стратегических задач поддержки женщин, повышение их общественно-политической активности, увеличение их влияния и статуса в государственном и общественном управлении. Роль и значение женских комитетов в обеспечении социальной стабильности и успеха экономических реформ освещены на примере Андижанского вилоята.

Ключевые слова*: современное общество, женщина, реформа, государственное управление, гендерное равенство, общественная деятельность, законодательство.*

Кириш

XX аср охири ва XXI аср бошларида дунёда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини кўтаришга эътиборнинг ортиши ушбу масалалар бўйича халқаро институтлар ташкил этилишига асос бўлди. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтириш, ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш учун барча шарт-шароитларни яратиш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза этиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, маданий-маърифий соҳадаги ўрни ва ролини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда 17 млн.дан зиёд хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи 22 та қонун ва 30 дан зиёд меъёрий ҳужжатларнинг эълон қилинганлиги мазкур соҳа давлатнинг устувор вазифаларидан бири эканлигидан далолат беради. Зеро, Президент Ш.Мирзиёев айтганидек: “Бугун ҳар бир аёл оддий кузатувчи эмас, балки мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчиси ҳам бўлиши керак” [1]. Шу боисдан ҳам Ўзбекистонда мустақиллик даврида хотин-қизлар масалаларига оид сиёсатнинг амалга оширилишини холисона ўрганиш, илмий тадқиқ этиш ва зарур амалий тавсиялар бериш мазкур мақола мавзусининг долзарблигини белгилайди.

XXI аср глобаллашув жараёнида жаҳонда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги туб ўзгаришлар туфайли жамиятда аёллар масъулиятини ошириш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида гендер тенглигига эришиш аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонунчилик тизимини янада такомиллаштириш масалалари кўплаб давлатлар қатори Ўзбекистонда ҳам тараққиётнинг асосий мезонларидан бири сифатида юқори баҳоланмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан республикада олиб борилган ислоҳот жараёнлари ва жамиятнинг янги ижтимоий тузилмаси шаклланиши муносабати билан аёлларнинг сиёсий ҳаётдаги ўрни ва ролига муносабатда туб ўзгаришлар юзага келди. Жамиятдаги барча аёлларнинг ижтимоий адолат, тенглик, барқарорлик тўғрисидаги фикр ўйларини амалга ошириш, уларнинг манфаатини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Республикада аёллар ва эркакларнинг жамият ҳаётидаги тенглигига доир конституциявий

принципни амалга ошириш учун институционал муҳит яратилди. Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция ратификация қилинди [2]. Конвенцияга мувофиқ, хотин-қизларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш учун барча соҳаларда унинг нормаларини миллий қонунчиликка татбиқ этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги "Хотин-қизларни тазйиқлар ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ЎРҚ-561-сон Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги ЎРҚ-562-сон Қонуни шулар жумласидандир.

Президент Шавкат Мирзиёев давлат сиёсатида хотин-қизларга бўлган эътибор масаласи устувор масалалардан бири эканини таъкидлайди: "Бугунги кунда ер юзидаги ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади. Бу, албатта, исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Биз ана шу эзгу даъватга амал қилиб, мамлакатимизда бошланган кенг кўламли ишларни янги босқичга кўтаришни ўз олдимизга асосий мақсад қилиб қўйганмиз" [3. Б. 341–352].

Материал ва усуллар

Мазкур мақолада мамлакатимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги роли ва мавқеини кўтариш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда амалга оширилаётган давлат сиёсати ва механизмларини тадқиқ этиш кўзда тутилган. Хотин-қизлар қўмиталарининг ўтган давр фаолиятини ёритишда тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Аёллар ижтимоий-сиёсий фаоллиги, уларнинг ҳуқуқлари ва ижтимоий мавқеи масалалари мустақиллик йиллари С.Сафаева, А.Хусейнова, Р.Убайдуллаева, шунингдек, махсус диссертация ва фундаментал изланишларда Г.Ж.Ғаниева, С.А.Аҳророва, Н.Д.Жўраева, Ф.А.Примова, Г.Б.Ўразалиева каби олимлар томонидан тадқиқ этилган. Муаммони тадқиқ этишда Н.К.Нарбаева, М.Қ.Ғаффорова, Н.Аннаева ва М.М.Балтабаевларнинг диссертациясида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги, хусусан, ижтимоий-сиёсий фаоллиги масалалари маълум даражада ўрганилганлиги назарий жиҳатдан аҳамият касб этади.

Мавзу доирасида кўплаб хорижий давлат тадқиқотчилари ҳам илмий изланишлар олиб боришган. Уларнинг тадқиқотларида халқаро мамлакатлар хотин-қизларининг ижтимоий фаоллиги, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётда тутган ўрни хусусида илмий хулосалар берилган. Бу борада илмий изланиш олиб борган тадқиқотчиларга К.Бор-ман, П.Баррой, Э.Кох, С.Ҳаггард, С.Сакс, шунингдек, Хитойда Цзин-Нин Цунь, МДҲ дав-латларида Т.В.Заславская, Е.М.Зуйкова, Р.И.Ерусланова, Н.Иванова кабиларни мисол келтириш мумкин.

Тадқиқотлар таҳлилига кўра, мустақиллик йилларида Андижон вилояти хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий-маънавий жараёнлардаги иштироки масаласи махсус тадқиқ этилмаган бўлса-да, юқорида қайд этилган тадқиқотлар натижалари мазкур мақола учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Натижа ва муҳокама

Мустақиллик йилларида Андижон вилоятида аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлардаги иштироки масалаларига доир бир қатор ишлар амалга оширилди.

Маълумки, дастлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 1 мартдаги фармойиши асосида 27 декабрдаги Термиз конференциясида Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси жамоатчилик институти сифатида ташкил топди [4]. Шунингдек, хотин-қизларнинг қарорлар қабул қилиш даражасидаги иштирокини янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 1995 йил 2 мартдаги "Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-1084-сонли фармони қабул қилинган. Мазкур ҳужжатнинг аҳамияти шундаки, ижтимоий фаол, сиёсий жиҳатдан салоҳиятли аёлларнинг бошқарув лавозимларига кўтарилиши тизими яратилиб, аёллар муаммолари билан шуғулланиш жараёни бир тизимга солинган. Хотин-қизлар қўмиталари расман ҳокимият тузилмасига киритилган. Ушбу Президент Фармони бўйича аёллар аҳволини ижро ҳокимияти даражасида яхшилаш учун миллий механизм асослари яратилиб, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқти-

содий ҳамда сиёсий ривожланиши бўйича давлат дастурларининг амалга оширилишига йўл очилди. Фармоннинг ҳаётий моҳияти аёлларнинг давлат ҳокимияти органларидаги нуфузли лавозимларни эгаллашига ҳам ҳуқуқий, ҳам маънавий имконияти мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда уларнинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлашга қаратилган эди. Фармон асосида хотин-қизлар қўмиталари раҳбарларига Бош вазирнинг ўринбосари, ҳоким ўринбосарлари мақоми берилди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, аёлларни етакчилик ролига тайёрлаш Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг ҳаракат дастурига кирган йўналишлардан бири ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 мартдаги “Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппаратида хотин-қизлар билан ишлаш ишчи органининг тизими ҳақида”ги қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлигида ҳокимлик аппарати таркибига кирувчи шўъба мудири, етакчи мутахассис ва мутахассис ўринлари жорий этилди. Улар томонидан шаҳар ва туманлардаги хотин-қизлар билан ишлаш ишчи органларининг ва қўмиталар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича фаол иш олиб борилган. Президент фармони ва ҳукумат қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Андижон вилояти ҳокимлигининг 1995 йил 19 мартда махсус қарори қабул қилинган. 1995 йилда Андижон вилоятининг шаҳар ва туманларида 19 нафар ҳоким ўринбосари, 24 нафар мутахассис, 1643 та бошланғич хотин-қизлар қўмиталари фаолият юритишган.

Қўмита хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, ташаббусини уюштирувчи ташкилот сифатида 2020 йилгача фаолият юритди. Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида Хотин-қизлар қўмитасининг 208 та бўлинмалари, 42 мингга яқин бошланғич ташкилотлари фаолият юритди [5]. 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938–сонли Президент фармони билан хотин-қизлар қўмитаси фаолияти тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармонига кўра Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг “Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш” деб номланган IV йўналишда белгилаб берилган 69-мақсад – хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлашга қаратилди [6].

Президент Ш.Мирзиёев раислигида 2022 йил 1 март куни бўлиб ўтган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга кўтариш ва аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада юксалтиришга қаратилган видеоселекторда давлат раҳбари хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш соҳасининг янги тизимини белгилаб берди. Республика Президентининг “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-81-сон Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республика Президентининг ПҚ-146-сонли қарори билан Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси янгидан алоҳида ташкил этилди. Янги Қўмита раиси айни пайтда Бош вазир ўринбосари ва Сенат аъзоси сифатида фаолият юритади. Жойларда қўмитанинг вилоят, туман ва шаҳар раҳбарлари эса ҳоким ўринбосари бўлади. Янги қўмита Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда “Аёллар даф-тари” жамғармасини ўзи бошқараши белгилаб қўйилди. 2022 йил 7 март куни қабул қилинган “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-87 сонли Фармони асосида республикадаги жами 9309 та маҳалла раисининг хотин-қизлар ва оила бўйича ўринбосарлари лавозимлари ҳам қўмита тизимига ўтказилди ва ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар фаоли лавозими янгидан жорий қилинди. Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари очиқ конкурс асосида, тажрибали, обрў-эътиборли, тадбиркор аёллар орасидан саралаб олинди. Хотин-қизлар фаоли аёллар масаласи ва уларнинг дард-ташвиши билан ишлашга жавоб бериши белгилаб қўйилди. 2022–2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича миллий дастур тасдиқланди.

Мустақиллик йилларида мамлакатнинг шарқида жойлашган Андижон вилоятида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий маданий соҳалардаги фаолиятига алоҳида тўхталиш зарур.

2022 йил 1 январь ҳолатига кўра, Андижон вилояти аҳолиси 3 млн. 253,5 кишини, шундан 1 млн. 605,9 нафарини аёллар (қишлоқ жойларда 706 минг, шаҳар жойларда 839 минг кишини) ташкил этган. Вилоятда аҳоли сони таркибида аёллар кўрсаткичи 2008 йилда 1 млн. 224,6 минг, 2009 йили 1 млн. 248,4 минг, 2010 йилда 1 млн. 272,5 минг, 2011 йили 1 млн. 326,5 минг, 2012 йили 1 млн. 346,7 минг, 2013 йилда 1 млн. 367 минг, 2014 йилда 1 млн. 390,4 минг, 2015 йилда 1 млн. 415,5 минг, 2016 йилда 1 млн. 441,2 минг, 2017 йилда 1 млн. 466,4 минг, 2018 йилда 1 млн. 490,3 минг, 2019 йилда 1 млн. 514,6 минг, 2020 йилда 1 млн. 544,2 минг, 2021 йилда 1 млн. 574 нафарни ташкил этган [7].

1-жадвал

Андижон вилояти аҳоли сони таркибида аёллар кўрсаткичи*

1991–2022 йиллар (минг киши ҳисобида)																			
1991	1995	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
909,1	1005,5	1101,7	1176,9	1193,0	1209,7	1224,6	1 248,4	1 272,5	1 326,5	1 346,7	1 367,0	1 390,4	1 415,5	1 441,2	1 466,4	1 490,3	1 514,6	1 544,2	1574,0	1605.9

2-жадвал

Андижон вилояти туманларида аёллар сони (йиллар кесимида, минг киши ҳисобида)*

Туман	01.01.1995 йил	01.01.1998 йил	01.01.2001 йил	01.01.2022 йил
Вилоят бўйича	2000.4/1013.1	2119.7/1081.2	2221.8/1133.3	3.253.5/ 1.605.9
Андижон шаҳри	156.5	165.3	171.7	227.6
Асака шаҳри	24.7	26.1	27	-
Хонобод шаҳри	12.9	-	-	219.9
Қорасув шаҳри	11.6	-	-	-
Шаҳрихон шаҳри	26.7	-	-	-
Андижон тумани	81.7	87.0	91.7	136.9
Асака тумани	77.9	83.8	88.3	168.0
Олтинкўл тумани	54.5	58.3	61.2	913.3
Бўз (Бўстон) тумани	22.2	23.9	25	369.9
Балиқчи тумани	62.6	66.9	70	101.5
Булоқбоши тумани	45.7	48.9	51.5	721.8
Жалақудуқ тумани	61.5	65.9	69.3	93.8
Избоскан тумани	76.4	83.2	87.7	120.6
Комсомолобод тумани	19.3	-	-	-
Қўрғонтепа тумани	60.2	90.2	93.4	110.1
Марҳамат тумани	55.3	59.2	62.3	875.9
Пахтаобод тумани	60.5	64.6	67.8	984.9

* Доимий аҳоли сонининг ҳудудлар бўйича тақсимланиши (жами аёллар, йил бошида, минг киши) // https://gender.stat.uz/uz/asosiy-ko-rsatkichlar/demografiya

* Андижон вилояти давлат архиви ҳамда Андижон вилояти хотин-қизлар қўмитаси жорий архиви маълумотлари асосида тайёрланди.

Шаҳрихон тумани	65.0	99.3	104.6	151.7
Хўжаобод тумани	35.8	38.0	40.4	558.1
Улуғнор тумани	-	20.6	21.4	309.4

Архив ҳужжатлари ўрганилганда, ўтиш даврининг қийинчиликлар даври саналган 90-йилларнинг бошларида аёллар ижтимоий-сиёсий фаолияти кўп ҳам кўзга ташланмасада, вилоят аёлларининг ижтимоий фаоллигини оширишда ва уларнинг ҳуқуқларини, ҳуқуқий маданиятини ўстиришда вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси Т.Содиқова [8], вилоят касаба уюшмаси бирлашмасининг раиси М.Музаффарова, вилоят судининг раиси О.Ҳайдарова каби аёллар жонбозлик кўрсатгани алоҳида таъкидланади [9].

Шунингдек, 1990-йилларда Андижон шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.Тожибоева [10] ҳамда вилоятнинг турли туманларида ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси сифатида фаолият олиб борган М.Маҳмудова (Андижон тумани), М.Исмоилова (Асака), И.Болтабоева (Комсомолобод), Д.Аҳмедова (Қўрғонтепа), М.Тошпўлатова (Марҳамат), Ш.Абдураимова (Хўжаобод), Ш.Мирзаева (Шаҳрихон) [7], Р.Абдураҳмонова (Пахтаобод), М.Жўраева (Избоскан), М.Ҳамидова (Олтинкўл) [11] кабилар вилоят аёлларининг ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ижтимоий муаммоларини ҳал этишда муносиб хизмат кўрсатишган.

1991 йилнинг сентябрь ойида вилоят хотин-қизлар қўмитаси томонидан 13 нафар ариза билан мурожаат қилган аёлларнинг бандлик масаласи билан боғлиқ муаммоларини ҳал этишга кўмаклашилган. Жумҳурият хотин-қизлар қўмитасининг кенгайтирилган пленумида вилоятнинг 8 нафар фаол аёллари иштирок этишган. Хўжаобод район “Ўзбекистон” ва Балиқчи район “Пахтакор” жамоа хўжаликлари хотин-қизлари ва район фаоллари билан суҳбатлар ташкил этилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорига биноан 1 октябрь “Халқаро қариялар куни” деб эълон қилиниши муносабати билан қўмита томонидан 70 нафар ёлғиз оналарга моддий ёрдам кўрсатиш учун маблағлар ажратилган. Вилоят радио эшиттиришлар қўмитаси билан ҳамкорликда “Ирода” номли эшиттириш йўлга қўйилди. Бўз районининг ҳамма жамоа хўжаликларида маош олиб ишлайдиган аёллар ташкилотчилари тайинланган. Шу муносабат билан райондаги Энгельс номли жамоа хўжалигида фаол аёлларнинг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилган [12].

1992 йил бошида эса ариза билан мурожаат қилган 37 нафар аёлнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари вилоят хотин-қизлар қўмитаси томонидан ижобий ҳал этилган. Балиқчи районидаги тикувчилик корхонаси ишчилари билан учрашув ташкил этилган. А.Мўминов номли хўжаликда ёш оилалар ўртасида “Оила муқаддасдир” деган мавзуда суҳбат ташкил этилган. Чинобод пахта тозалаш заводи профилакторийсида аёллар билан ҳам оила мавзусида суҳбат ташкил этилган. Бўз маданият саройида педагогика билим юрти талабалари билан “Одобнома” дарслари ўтказилган. Избоскан ва Қўрғонтепа районларида 70-80 ёшли онахонларнинг бир гуруҳига юбилей тўйлари ўтказилган. Андижон шаҳри маданият саройида “Андижон удумлари”, “Муҳаббат” мавзуларида одоб дарслари ўтказилган. Қўмита қошидаги “Ижодкор аёл” гуруҳи вакиллари иштирокида Хўжандда ижодий учрашув ўтказилган [13]. 1992 йил вилоят қўмитаси раиси Т.Содиқова бошчилигидаги гуруҳ томонидан Ўш вилояти мусиқали драма ва комедия театри биносида “Аёлнинг жамиятдаги ва оиладаги ўрни” мавзусида суҳбат ўтказилган. Андижон вилояти аёллар қўмитаси томонидан олиб борилаётган ибратли ишларни ўртоқлашиш мақсадида Марғилон шаҳар ва Қува район аёллар қўмитасининг фаол аёллари билан учрашув ташкил этилган. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси томонидан Андижон шаҳар қурилиш трестида, 2-болалар касалхонасида, Андижон тиллар педагогика олийгоҳида, Храбекдаги 6-мактабда, Избоскан районида ва Андижон ҳисоб-бухгалтерия техникумида ёшлар маънавий дунёсини юксалтириш мақсадида давра суҳбатлари ташкил этилган [11].

Республика Президентининг 1992 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг бир йиллиги муносабати билан мукофотлаш тўғрисида”ги ПФ-463-сонли Фармони билан вилоятнинг бир қатор ижтимоий фаол аёллари Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланганлиги ўша даврда хотин-қизлар фаолияти эътироф этилганини кўрсатади. Шаҳрихон шаҳар ҳокимлиги бўлимининг

мудири Д.Абдуллаева, Андижон тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси А.Жабборова, вилоят уруш ва меҳнат фахрийлар комитетининг раиси Т.Каримова, Андижон районидаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси Қ.Қодирова, Комсомолобод районидаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси Р.Қосимова, “Хизмат” концерни аҳолига маиший хизмат кўрсатиш район ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи З.Солиева, Андижон шаҳридаги ип газлама комбинатининг тўқувчиси О.Ўрманова, Ўзбекистон ХДП Олтинкўл район кенгашининг котиби О.Ҳайдарова, Хонобод шаҳар касалхонаси бўлимининг мудири К.Холбекова, Жалақудуқ райони ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Эгамова шулар жумласидандир [14].

1995 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонини, бу фармонга асосан Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 мартдаги ва вилоят ҳокимининг 19 мартдаги қабул қилинган қарорлари бажарилиши бўйича амалга оширилган ишлар Андижон вилояти хотин-қизлар қўмитасининг 1-пленумида холис муҳокама этилган [15]. Пленум йиғилиши қарорида ушбу фармоннинг бажарилишидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларнинг тўлалигича бажарилишини таъминлашда барча соҳалардаги, айниқса, маҳалла бошланғич хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини янада жонлантириш, жойлардаги бошланғич хотин-қизлар қўмиталари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ишларни мувофиқлаштириш бўйича аниқ дастурлар ишлаб чиқиш каби вазифалар белгиланган [15].

Биргина 2010 йилда 37 нафар андижонлик фаол аёллар ҳукуматимизнинг юксак орден ва медаллари соҳибаси бўлишгани ҳақидаги маълумотлар манбаларда келтирилади. Ўша йилнинг ўзида 150 дан зиёд хотин-қизлар республика ва халқаро мусобақалар совриндори бўлишган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, манбалар таҳлилига кўра мустақиллик йиллари андижонлик иқтидорли, истеъдодли қизларнинг 23 нафари Зулфия номидаги давлат мукофоти билан, турли соҳаларда фаолияти олиб бораётган вилоят хотин-қизларининг 522 нафари эса турли давлат мукофот ва орденлар билан тақдирланганлар.

2017 йил 12 октябрда Андижон вилояти хотин-қизлар қўмитаси Бошқарувининг XIV йиғилишида вилоят хотин-қизлар қўмитаси қошидаги жамоатчилик уюшмалари, яъни “Фахрий аёллар” уюшмаси (М.Эгамова), “Ҳуқуқшунос аёллар” уюшмаси (О.Насретдинова), “Ижодкор аёллар” уюшмаси (Ҳ.Қўчқарова), “Илм-фан ва аёл” уюшмаси (Ш.Юсупова), “Аёл ва саломатлик” уюшмаси (С.Аҳмаджонова), “Ихтирочи аёллар” уюшмаси (Ф.Носирова), “Қизларжон клуби” (О.Ибрагимова) аъзолари ва уларнинг фаолияти таҳлил этилган [17].

Андижон вилояти хотин-қизлар қўмитаси қошидаги мазкур жамоатчилик уюшмалари фаолияти орқали вилоят аёлларининг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтисодий бандлиги ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, маънавий-ахлоқий тарбия ишлари борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб, самарали натижаларга эришиб келинди. Республика ва халқаро миқёсда вилоят қўмитасининг ташаббуси билан илмий-амалий конференциялар ташкил этилиб, Андижон тажрибаси сифатида кўплаб янги инновациялар амалиётга жорий қилинди.

Хотин-қизлар қўмитасининг асосий вазифалари ҳудудларда аёлларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, бандлик ва таълим олиш имкониятларини таъминлаш, аёллар тадбиркорлиги бўйича дастурлар тайёрлаш, шу билан бирга аёллар ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини таъминлаш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш юзасидан комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, миллий-маънавий қадриятлар ва диний анъаналарни тушунтириш, уларга риоя қилиш, аёлларнинг турли оқимлар таъсирига тушиб қолишлари олдини олиш ишларини самарали ташкил этиш юзасидан кўплаб чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ қилинди.

Бироқ архив ҳужжатларининг таҳлили вилоят хотин-қизлар қўмитасининг ижобий фаолияти билан бирга, айрим туманларда бу йўналишдаги ишлар қониқарсиз бўлганлигини ҳам кўрсатади. Хусусан, 1995 йил декабрь ойида Андижон, Пахтаобод, Шаҳрихон туманлари ва Хонобод шаҳрида бошланғич хотин-қизлар қўмиталари фаолиятининг баъзи томонлари талаб даражасида эмаслиги кузатилган. Кўрсатиб ўтилган жойларда нафақат

бошланғич хотин-қизлар қўмиталарида, балки хотин-қизлар билан ишлаш ишчи органлари фаолиятида ҳам камчиликлар аниқланган. Масалан, бошланғич хотин-қизлар қўмиталари иш режаларига долзарб масалалар киритилмаган ва олиб борилаётган ишларда ҳам аниқ йўналишлар белгиланмаган. Хотин-қизларнинг моддий, маънавий турмуш тарзини юксалтириш ва бошқа масалалар бўйича жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги ишларда ижобий ўзгаришлар сезилмаётганлиги танқид қилинган.

1995 йил 27 декабрда бўлиб ўтган Андижон вилояти хотин-қизлар қўмитасининг 1-пленумида Андижон туманидаги 13 та жамоа хўжалигидаги бошланғич хотин-қизлар қўмиталаридан 3 таси ҳали ўз фаолиятини бошламаганлиги танқид қилинган. Баённомада кўрсатилишича, бу бошланғич хотин-қизлар қўмиталарига кадрлар йўқлиги рўкач қилиниб, қўмита раислари тайинланмаган. Тумандаги “Ойдинбулоқ”, Омонов номли жамоа хўжаликлари бошланғич хотин-қизлар қўмиталари ўз ҳудудларида етарли даражада иш олиб бормаганликлари сабабли туман ҳокимлигига ва бошқа юқори ташкилотларга аёллар номидан кўплаб ариза ва шикоятлар келиб тушган [15]. Ваҳоланки, 1995 йилда Андижон вилоятининг шаҳар ва туманларида 19 нафар ҳоким ўринбосари, 24 нафар мутахассис, 1643 та бошланғич хотин-қизлар қўмиталари фаолият юритишган [15].

Бундан ҳам ачинарлиси шундаки, манбалар таҳлилига кўра, аёллар ўртасида ишсизлик, иқтисодий етишмовчилик, ижтимоий ва оилавий-маиший муаммолар уларнинг ўз жонига қасд қилиши каби ҳолатлар билан якун топган. Хусусан, 1995 йилнинг 5 ойи давомида вилоят прокуратураси томонидан хотин-қизларнинг ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари таҳлил этилганда, вилоят ҳудудида 21 нафар хотин-қизлар томонидан ўз-ўзини ўлдириш ва ўлдиришга ҳаракат ҳолатлари аниқланган. Шулардан 4 нафари ўз-ўзини ёққан бўлса, 3 нафари ўзини осган, 12 нафари ўзини заҳарлаган, 2 нафари ўзини сувга ташлаган. Уларнинг 3 нафари вафот этган, 18 нафарининг эса ўз вақтида биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиши натижасида ҳаёти сақлаб қолинган. Бу аёлларнинг 13 нафари оилали бўлиб, 20 нафар фарзандларнинг онаси бўлишган. Бу ҳолат 1994 йилга нисбатан ўсганлиги кузатилган. Хусусан, 1994 йил давомида 52 та ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари аниқланган бўлиб, уларнинг 6 нафари ўз-ўзини ёққан, 16 нафари ўз-ўзини осган, 18 нафари ўзини заҳарлаган, сувга ташлаш ва ўзига пичоқ уриш каби бошқа ҳолатларда 12 нафар хотин-қизлар ўз жонига қасд қилган. Улардан 23 нафари ҳаётдан кўз юмган бўлса, 29 нафарининг ҳаёти сақлаб қолинган. 18 нафар хотин-қизларнинг ўз жонига қасд қилганлик ҳолати оилавий жанжал натижасида рўй берган. Бу кўрсаткич 1995 йилнинг 5 ойи давомида 9 тани ташкил этган. Қолганлари турли сабаб ва руҳий касаллик туфайли содир этилган. Бу аёлларнинг 31 нафари оилали бўлиб, фарзандлар сони 53 тани ташкил этган [15]. Бу каби салбий ҳолатларни маълум маънода вилоят хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятида кузатилган камчиликларнинг оқибати деб баҳолаш мумкин. Чунки хотин-қизлар қўмитаси фаоллари аёллар ўртасида уларни қийнаётган ижтимоий муаммоларнинг ечими учун амалий ёрдам берилишида фаоллик кўрсатишганда, бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш мумкин бўларди.

Хонобод шаҳрида Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ишлаш бўйича ҳолат қониқарсиз бўлиб, уларнинг бажарилиши бўйича қўмитанинг аниқ иш режаси ишлаб чиқилмаган, мавжуд маълумотлар ҳам юзаки ёзилган. Шаҳрихон туманида эса 1995 йил иш режасида белгиланган вазифалар ижроси бўйича маълумотлар бўлмагани ҳолда, режалаштирилган пленум ҳам ўтказилмаган. Бошланғич хотин-қизлар қўмиталари фаолияти ҳам қониқарсиз аҳволда бўлган. Тумандаги қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш коллежидаги бошланғич хотин-қизлар қўмитаси учун на хона ажратилган, на бурчак ташкил этилган. Пахтаобод тумани хотин-қизлар билан ишлаш ишчи органи фаолиятида вилоят миқёсида ўтказилган семинарлар, ишлаб чиқилган тавсиялар бўйича олиб борилаётган ишлар натижаси қониқарсиз ҳолатда бўлган, иш юритиш талаб даражасида ташкил этилмаган. “Терак теги” маҳалла фуқаролар йиғини бошланғич хотин-қизлар қўмитасига ҳам хона ажратилмаган, ишлаш учун шароит яратилмаган [15]. Вилоят хотин-қизлар қўмитасининг 1-пленумида юқоридаги шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталарининг эскича иш олиб бориши ва янги тизимни ҳозиргача ўзлаштирмагани, бажариш масъулиятини сезмаётгани, ижодий ёндашув ва ташаббус, изланиш йўқлиги натижасидир, деб танқидий баҳо берилган. Шунингдек, Пле-

нум йиғилиши раиси М.Шамсибоева: “Хотин-қизлар қўмиталарининг ваколатлари кенгайтирилиб, уларга ҳоким ўринбосарлари мақоми берилиши шунчаки мансаб улашиш кампанияси эмас. Аксинча, маҳаллий ҳокимият органларининг халқ турмушига тобора чуқурроқ кириб бориши, демократик жараёнлар самараси ва ахлоқий-маънавий тарбия таъсирчанлигини ошириш усулидир”, давлат раҳбарининг Қашқадарё вилояти сессиясида айтган сўзларини унутмаслигимиз керак”, – деб таъкидлаган [15].

Йиллар мобайнида қўмитанинг нодавлат ташкилот сифатидаги фаолияти давомида унинг ваколатлари кенгайиб борган бўлса-да, молиявий имкониятлардаги етишмовчилик, тадбирларга кенг эътибор берилгани ҳолда аёллар муаммоларига аниқ мақсадли ва манзилли ёндашув механизмларининг етишмаганлиги, иш ҳажмига штатларнинг номувофиқлиги, аксарият мутахассисларнинг тажрибасизлиги ва маълумот даражасининг етарли эмаслиги иш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиб келди. Бу эса бандлик соҳасида, оиладаги ажрим ҳолатларининг кўпайишида, ички ва ташқи миграцион жараёнларда аёллар иштирокининг ўсиб боришида намоён бўлди.

Шу боисдан ҳам Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида аёлларга муносиб шароит яратиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш масаласи энг муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланиб, бу борадаги муҳим вазифалар ижросини тизимли тарзда ҳар бир маҳалла кесимида амалга оширишни таъминлаш мақсадида 2022 йил март ойидан бошлаб Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси янгидан алоҳида ташкил этилди. Шуни таъкидлаш жоизки, собиқ Хотин-қизлар қўмитаси формал жиҳатдан нодавлат-нотижорат ташкилот эди. Янги қўмита эса тўлақонли давлат органи сифатида фаолиятини янгидан бошлади.

Республика ва вилоятларда, хусусан, Андижонда янгидан ташкил этилган хотин-қизлар қўмитаси аёллар, оила, маҳалла борасидаги кўплаб муаммоларни ҳал этишда тажриба ва маҳоратларига суянган ҳолда, шунингдек, янги белгиланган долзарб вазифалар асосида иш жараёнига киришган.

Хулосалар ва тавсиялар

Кузатув ва таҳлилларга кўра, мамлакатимизда аёлларнинг раҳбарлик қобилияти, касбга фидойилиги, оила билан жамиятдаги фаолиятини баробар олиб бориш имконияти, кўплаб тўсиқларга қарамасдан, яхши шаклланган. Мамлакатимизда бошқа ҳудудларга нисбатан водийлик раҳбар аёллар мулоқотда муносабатларни бошқариш соҳасида кўпроқ стратег бўлишлари аниқланган. Олинган статистик таҳлиллар ҳам шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги йилларда маъмурий-бошқарув ходимлари таркибида андижонлик аёлларнинг улуши республикада юқори ўринни эгаллаган.

Ушбу хусусиятлар билан аёллар ташкилий маданиятини кучайтириш, ташкилотнинг обрўсини ошириш ва корпоратив ижтимоий жавобгарлик лойиҳаларини амалга оширишни таъминлаганлар. Бугунги кунда муваффақия-ли кўплаб аёл раҳбарлар ўз стандартларини ўрнатиш учун ҳатто курашмоқдалар. Улар баъзан жиддий танқидга дучор бўлишларига қарамай, стандартлар курашида ўзларини профессионалларга хос тарзда тута оладилар. Шунинг учун мамлакатимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилиши ва бошқарувидаги ролини кучайтиришга алоҳида эътибор тобора ортмоқда.

Бугунги кунга келиб, Андижон вилояти аҳолисининг ярмини ташкил қилаётган хотин-қизларнинг 9 мингга яқини корхона-ташкилот ва муассасаларда раҳбарлик лавозимларида, 800 мингдан зиёди ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаолият олиб бормоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 6 (43%), халқ депутатлари вилоят Кенгашида 19 (32%), шаҳар, туман Кенгашларида 101 нафар (22%) вилоят хотин-қизлари фаолият олиб бормоқда.

Юқоридаги таҳлиллар ва тадқиқот хулосасига кўра қуйидаги тавсиялар белгиланди:

- хотин-қизларнинг ижро ҳокимияти органларидаги иштирокини янада кенгайтиришда уларнинг қуйи лавозимлардан энг юқори лавозимларгача кўтарилишини таъминлайдиган омиллар, механизм ва воситаларни янада такомиллаштириш, давлат бошқаруви соҳасида етакчи хотин-қизларни тайёрлашнинг чуқур ўйланган тизимини яратиш зарур;

- хотин-қизлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг муайян ташкилотлардаги меҳнат фаолиятини тўғри ташкил этиш, янги иш ўринларини яратиш, бола парвариши таътилидан қайтган аёлларнинг малака оширишларини

таъминлаш, турли жамоат ишларига жалб этиш орқали ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш лозим;

- аҳолининг гендер асосида камситувчи вазиятларни келтириб чиқарадиган гендер стереотипларининг олдини олиш керак бўлади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқи 21.06.2019. [Интернет манба]. URL: https://president.uz/uz/lists/ view/2692 (Мурожаат этилган сана: 14.06.2022)

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 6 майдаги 87-I-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 1979 йил 18 декабрда Нью-Йоркда қабул қилинган Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияга қўшилиши ҳақида”ги қарорига асосан аъзо бўлган // Хотин-қизларни камситишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида Конвенция. [Интернет манба]. URL: https://www.lex.uz/ru/docs/2685528 (Мурожаат этилган сана: 09.06.2022)

3. *Мирзиёев Ш.М*. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.

4. Ўзбекистон Миллий архиви (Ўз МА). М-37-фонд, 1-рўйхат, 2565-иш, 90-варақ.

5. *Баситханова Э*. Ўзбекистон аёли: тарих ва тараққиёт. Аёл ҳуқуқи қадимий қадриятдир. // Мустақил Ўзбекистон аёллари. Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг жорий архиви, 2013 йил маълумотлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – 3 б.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони. [Интернет манба]. URL: https://lex.uz/docs/5841063 (Мурожаат этилган сана: 10.05.2022).

7. Doimiy aholi soni ayollar. [Интернет манба]. URL: https://gender.stat.uz/uz/asosiy-korsatkichlar/demografiya (Мурожаат этилган сана: 20.04.2022)

8. Андижон вилоят давлат архиви (АВДА). 6-жамғарма, 138-рўйхат, 4141-йиғмажилд, 1-2-варақлар

9. АВДА. 4141-жамғарма, 1-рўйхат, 26-йиғмажилд, 17-варақ.

10. АВДА. 4141-жамғарма, 13-рўйхат, 162-йиғма жилд, 2-варақ.

11. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси хабар қилади // Андижоннома, 1992 йил 16 май.

12. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси хабар қилади //Андижоннома, 1991 йил 15 октябрь.

13. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси хабар қилади // Андижоннома, 1992 йил 5 март.

14. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг бир йиллиги муносабати билан мукофотлаш тўғрисида ПФ-463-сонли фармони. [Интернет манба]. URL: https://www.lex.uz/ru/docs 28.08.1992. (Мурожаат этилган сана: 24.06.2022)

15. АВДА. 4141-жамғарма, 6-рўйхат, 139-йиғмажилд, 2,15,16,17,21,22,-варақлар.

16. Андижон вилояти хотин-қизлар қўмитасининг жорий архиви, 2009 йил маълумотлари.

17. Андижон вилояти хотин-қизлар қўмитаси жорий архиви, 2017 йил маълумотлари.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-81-сон фармони [Интернет манба]. URL: https://lex.uz/ru/docs/5884143 (Мурожаат этилган сана: 18.04.2022).

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-87-сон фармони. [Интернет манба]. URL: https://lex.uz/ru/pdfs5899498 (Мурожаат этилган сана: 10.06.2022)

20. Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон! / Масъул муҳаррир: проф. М.Қуронов. – Тошкент: Маънавият, 2017. – 160 б.

21. *Сафаева С*. Аёллар масаласи: умумижтимоий ва миллий жиҳатлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 186 б.

22. *Ғаниева Г.Ж*. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласи: янгича ёндашув, муаммолар ва ечимлар (мустақиллик даври 1991-2005 йй): Тарих фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2006. – 161 б.

23. *Аҳророва С*. Ўзбекистонда аёллар ижтимоий фаоллигини ошириш омиллари: Фалсафа фан. номз. ...дисс. – Ташкент, 2005. – 158 б.

24. *Жўраева Н*. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни. Тарих фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2004. – 161б.

25. *Примова Ф.А*. Оилавий муносабатларни шакллантиришда миллий ва диний қадриятларнинг ўрни: Фалс. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 1999. – 133 б.

26. *Ўразалиева Г.Б.* Гендер муносабатларининг аёллар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришга таъсири (социологик таҳлил): Соц. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2006. – 147 б.

27. *Нарбаева Т.К.* Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини оширишнинг инновацион модели: Соц.фан. докт...(DSc) дисс. – Тошкент, 2020. – 239 б.

28. *Ғаффорова М.Қ.* Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар мавқеи: Соц. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD). дисс... автореф. – Тошкент, 2018. –172 б.

29. *Аннаева Н.Р.* Аёллар тадбиркорлигининг генезиси, назарияси ва амалиёти (Ўзбекистон мисолида): Фалс.фан. бўйича фалсафа доктори (PhD). ...дисс. автореф. – Самарқанд, 2018. – 47 б.

30. *Балтабаева М.М.* Ўзбекистон республикаси хотин-қизларининг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришдаги иштироки (1991-2017 йиллар**):** Тарих фан.бўйича фалс. д-ри (PhD) ...дисс. автореф. – Андижон, 2019. – 53 б.

31. *Borman K., Quarm D., Gildeonss*(ed.) Women in the workplace: Effects on families. – New Jersey: Norwood: Ablex, 1984. – 104 p.

32. *Barroy P.J*. Determinants of Economic Growth:Crosscountry Survey A. – Cambridge, MA: MIT Press, 1997. – 407 p.

33. *Cox E.* Leading women. Sydney, 1996. – 326 p.

34. Ты – победительница. Древнекитайская мудрость Сунь-Цзы для женщин, стремящихся к успеху Цзинь-Нин Цун // Подробнее на livelib.ru: [Электронный ресурс]. URL: https://www.livelib.ru/book/1000644461-ty-pobeditelnitsa-drevnekitajskaya-mudrost-suntszy-dlya-zhenschin-stremyaschihsya-k-uspehu-tszinnin-tsun// (Дата обращения: 04.04.2022)

35. *Заславская Т.В.*, *Рывкина Р.В.* Социология экономической жизни. Очерки теории. – Новосибирск: Наука, 1991. – 446 с.

36. *Зуйкова Е.М., Ерусланова Р.И.* Феминология и гендерная политика. – Москва: Издательско-тортовая корпорация «Дашков и К», 2009. – 308 с. [Электронный ресурс]. URL: https://www.livelib.ru/book/1000183786-feminologiya-i-gendernaya-politika-e-m-zujkova (Дата обращения: 06.02.2022 йил)

37. *Иванова Н.* Что раздражает мужчин в женщинах: секреты семейного счастья. – Ростов на Дону, Феникс, 2007. - С.211.

38. АВДА, 4141-жамғарма, 11-рўйхат, 78-йиғмажилд, 12-варақ.

39. АВДА. 4141-жамғарма, 6-рўйхат, 138-йиғма жилд, 3-4 варақлар.

40. Ҳакимов М. Тараддуд //Андижоннома, 1991 йил 21 декабрь.

WOMEN'S PARTICIPATION IN SOCIO-POLITICAL PROCESSES IN THE YEARS OF INDEPENDENCE

(in the case of Andijan region)

N.M. Hasanova[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 5 (61). 49-60.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: independence, state, politics, modern society, women, reforms, public administration, gender equality, social activities, legislation

The article consists of an introduction, the main part, and a conclusion, the results and discussions are covered and analyzed based on scientific literature and sources, enriched with statistical data, recommendations are given according to the conclusion.

The purpose of the article is to support women in our country, to increase their influence and position in state and community management, to implement strategic tasks to increase the socio-political activity of women, social stability and economic reforms are important factors of development, and in this regard, the importance of women's committees and issues related to the role, the history of the activities carried out is to be explained on the basis of political analysis and scientific conclusions on the example of the Republic and Andijan region.

To date, about 9 thousand of the women who make up half of the population of the Andijan region are working in leadership positions in enterprises and organizations, and more than 800 thousand in socio-political processes. 6 (43%) in the Legislative Chamber of the Oliy Majlis, 19 (32%) in the Regional Council of people's deputies, 101 (22%)in the city and District Councils are operating I Regional Women. Since August 2021, one of the 4 women governors in the only Republic in the Valley, Sanobar Nosirova (formerly Mamitova Sadbarkhan Neumatjonovna), is headed by Abdullaeva Gulnorahan enlightenment (from 2022 year), family and women's Department of the region. Also in many Republican and foreign organizations, Andijan women are working effectively.

In conclusion, according to observation and analysis, the leadership abilities of women in our country, their dedication to the profession and the opportunity to conduct their activities in society on a par with the family are well formed, despite many obstacles. It has

been found that women, especially the Valley Leader, become more strategists in the field of relationship management in communication. With these characteristics, women were able to strengthen the organizational culture, increase the prestige of the organization and ensure the implementation of Corporate Social Responsibility projects. Many successful female leaders are even struggling to set their own standards. They are able to behave in a professional-specific way in the struggle for standards, despite the fact that sometimes they are subjected to serious criticism. Therefore, special attention is increasingly paid to strengthening the role of women in the construction and management of the state and society in our state.

References:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlis Senatining yigirmanchi yalpi majlisidagi nutqi (2019) [Speech of the president of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoev at the twentieth Plenary Session of the Senate of the Oliy Majlis]. 21.06.2019. [Online]. URL: https://president.uz/uz/lists/view/2692 (Date of access: 14.06.2022)

2. O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining 1995 yil 6 maydagi 87-I-sonli “O‘zbekiston Respublikasining 1979 yil 18 dekabrda Nyu-Yorkda qabul qilingan xotin-qizlarni kamsitishning barcha shakllariga barham berish to‘g‘risida”gi Konvensiyaga qo‘shilishi haqida”gi qaroriga asosan a'zo bo‘lgan // Xotin-qizlarni kamsitishining barcha shakllariga barham berish to‘g‘risida Konvensiya [Member in accordance with the resolution of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan dated May 6, 1995 No. 87-I "on the accession of the Republic of Uzbekistan to the Convention on the elimination of all forms of discrimination against women adopted in New York on December 18, 1979"]. Convention on the elimination of all forms of discrimination against women. [Online]. URL: https://www.lex.uz/ru/docs/2685528 (Date of access: 09.06.2022l)

3. Mirziyoev, Sh.M. (2017) Milliy taraqqiyot yo‘limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz [We will continue our path of national development with determination and take it to a new level]. Vol.1. Tashkent: Uzbekistan.

4. O‘zbekiston Milliy Arxivi (O‘zMA) [National archive of Uzbekistan. (NA of Uz)]. Fund – M-837, List-1, Folding Volume-2565, sheet 90.

5. Basitxanova, E. (2004) O‘zbekiston ayoli: tarix va taraqqiyot. Ayol huquqi qadimiy qadriyatdir. [Woman of Uzbekistan: history and development]. Women of Uzbekistan: history and development. Female law is an ancient value]. Mustaqil O‘zbekiston ayollari. O‘zbekiston xotin-qizlar qo‘mitasining joriy arxivi, 2013 yil ma'lumotlari [Women of independent Uzbekistan. Current archive of the Women's Committee of Uzbekistan, 2013 data]. Tashkent: Uzbekistan.

6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-sonli farmoni [Decree of the president of the Republic of Uzbekistan dated January 28, 2022 No. 60 “on the development strategy of New Uzbekistan for 2022-2026”]. [Online]. URL: https://lex.uz/docs/5841063 (Date of access: 10.05.2022).

7. Doimiy aholi soni ayollar [Permanent population of women]. [Online]. URL: //https://gender.stat.uz/uz/asosiy-ko-rsatkichlar/demografiya (Date of access: 20.04.2022).

8. Andijon viloyat davlat arxivi [State Archive of Andijan region. (ARSA)]. Fund – 6. List-138. Folding Volume-4141, sheets 1-2.

9. ARSA. Fund – 4141. List-1. Folding Volume-26, sheet 17.

10. ARSA. Fund – 4141. List-13. Folding Volume-162, sheet 2.

11. Viloyat xotin-qizlar qo‘mitasi xabar qiladi (1992) [Regional women's committee reports]. *Andijonnoma.* May 16.

12. Viloyat xotin-qizlar qo‘mitasi xabar qiladi (1991) [Regional women's committee reports]. *Andijonnoma.* October 15.

13. Viloyat xotin-qizlar qo‘mitasi xabar qiladi (1992) [Regional women's committee reports]. *Andijonnoma.* March 5.

14.O‘zbekiston Respublikasi mustaqilligi e’lon qilinganligining bir yilligi munosabati bilan mukofotlash to‘g‘risida PF-463-sonli Farmoni (1992) [Decree of the president of the Republic of Uzbekistan No. 463 on awarding on the occasion of the anniversary of the declaration of independence of the Republic of Uzbekistan]. [Online]. URL: //https://www.lex.uz/ru 28.08.1992. (Date of access: 24.06.2022)

15. ARSA. Fund – 4141. List-6. Folding Volume-139, sheets 2,15, 16, 17, 21, 22.

16. Andijon viloyati xotin-qizlar qo‘mitasining joriy arxivi, 2009 yil ma'lumotlari [Current archive of the women's committee of the Andijan region, 2009 data].

17. Andijon viloyati xotin-qizlar qo‘mitasining joriy arxivi, 2017 yil ma'lumotlari [Current archive of the women's committee of the Andijan region, 2017 data].

18. “Oila va xotin-qizlar bilan ishlash, mahalla va nuroniylarni qo‘llab-quvvatlash tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” PF-81-son farmoni [Decree of the president of the Republic of Uzbekistan No. 81 “on

measures to improve the system of working with family and women, support of the neighborhood and Nurani"]. [Online]. URL: https://lex.uz/ru/docs/5884143 (Date of access: 18.04.2022).

19. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 7 martdagi "Oila va xotin-qizlarni tizimli qo'llab-quvvatlashga doir ishlarni yanada jadallashtirish chora-tadbirlari to'g'risida PF-87-son farmoni [Decree of the president of the Republic of Uzbekistan of March 7, 2022 PF - 87 "on measures to further accelerate the work on the systematic support of family and women]. [Online]. URL: https://lex.uz/ru/pdfs 5899498 (Date of access:10.06.2022)

20. Quronov, M. (ed.) (2017) Fidoying bo'lgaymiz seni, O'zbekiston! [Let's sacrifice you, Uzbekistan!]. Tashkent: Ma'naviyat.

21. Safaeva, S. (2003) Ayollar masalasi: umumijtimoiy va milliy jihatlar [Women's issue: general public and national aspects]. Tashkent: Uzbekistan.

22. G'anieva, G.J. (2006) [Women's issue in Uzbekistan:a new approach, problems and solutions (independence period 1991-2005yy)]. Dissertation for the degree of Candidate of Historical Sciences.Tashkent.

23. Ahrorova, S. (2005) O'zbekistonda ayollar ijtimoiy faolligini oshirish omillari [Factors of increasing the social activity of women in Uzbekistan]. Dissertation for the degree of Candidate of Philosophy Sciences. Tashkent.

24. Jo'raeva, N.(2004) O'zbekiston ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy hayotida xotin-qizlarning o'rni [The role of women in the socio-economic and cultural life of Uzbekistan]. Dissertation for the degree of Candidate of Historical Sciences. Tashkent.

25. Primova, F.A. (1999) Oilaviy munosabatlarni shakllantirishda milliy va diniy qadriyatlarning o'rni [The role of national and religious values in the formation of family relations]. Dissertation for the degree of Candidate of Philosophy Sciences. Tashkent.

26. O'razalieva, G.B. (1999) The influence of Gender relations on the improvement of women's legal culture (sociological analysis). Dissertation for the degree of Candidate of Philosophy Sciences. Tashkent.

27. Narbaeva, T.K . (2020) O'zbekistonda xotin-qizlarni ijtimoiy himoya qilish tizimi samaradorligini oshirishning innovatsion modeli [An innovative model for increasing the effectiveness of the system of social protection of women in Uzbekistan]. The dissertation for Doctor of Sociology Sciences (DSc). Tashkent.

28. G'afforova, M.Q. (2018) O'zbekiston ijtimoiy-siyosiy hayotida xotin-qizlar mavqei [Women's position in the socio-political life of Uzbekistan]. Dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD) in Sociology Sciences. Tashkent.

29. Annaeva, N.R. (2018) Ayollar tadbirkorligining genezisi, nazariyasi va amaliyoti (O'zbekiston misolida) [Genesis, theory and practice of women's entrepreneurship. (In the case of Uzbekistan)]. Abstract of Dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD) in Philosophy Sciences. Tashkent.

30. Baltabaeva, M.M. (2017) *O'*zbekiston respublikasi xotin-qizlarining kichik biznes va tadbirkorlikni rivojlantirishdagi ishtiroki (1991-2017 yillar**):** [Participation of women and girls of the Republic of Uzbekistan in the development of small business and entrepreneurship (1991-2017]. Abstract of Dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD) in Historical Sciences. Tashkent.

31. Borman, K., Quarm, D. (ed.) (1984) Women in the workplace: Effects on families. New Jersey: Norwood: Ablex.

32. Barroy, P.J. (1997) Determinants of Economic Growth: Crosscountry Survey A. Cambridge, MA: MIT Press.

33. Cox, E. (1996) Leading women. Sydney.

34. Ty-pobeditel'nica. Drevnekitajskaya mudrost' Sun'-Czy dlya zhenshchin, stremyashchihsya k uspekhu Czin'-Nin Cun//Podrobnee na livelib.ru: [You are the winner. The ancient Chinese wisdom of Sun Tzu for women striving for success Jin-Ning Tsung//More on livelib.ru]. [Online]. URL: https: // www. livelib. ru/book/1000644461-ty-pobeditelnitsa-drevnekitajskaya-mudrost-suntszy-dlya-zhenschin-stremyaschihsya-k-uspehu-tszinnin-tsun// (Date of access: 04.04.2022l)

35. Zaslavskaya, T.V., Ryvkina, R.V. (1991) Sociologiya ekonomicheskoj zhizni. Ocherki teorii [Sociology of Economic Life: Essays on Theory]. Novosibirsk: Nauka.

36. Zujkova, E.M., Eruslanova, R.I. (2009) Feminologiya i gendernaya politika [Feminology and gender policy]. Moscow: Izdatel'sko-tortovaya korporaciya «Dashkov i K». [Online]. URL: https://www.livelib.ru/book/1000183786-feminologiya-i-gendernaya-politika-e-m-zujkova (Date of access: 06.02.2022l)

37. Ivanova, N. (2007) Chto razdrazhaet muzhchin v zhenshchinah: sekrety semejnogo schast'ya [What irritates men in women: secrets of family happiness]. Rostov na Donu, Feniks.

38. ARSA. Fund - 4141. List-11. Folding Volume-78, sheet 12.

39. ARSA. Fund – 4141. List-6. Folding Volume-138, sheets 3-4.

40. Hakimov, M. (1991) Taraddud [Hesitant]. *Andijonnoma.* December 21.

Муаллиф ҳақида маълумот:

ҲАСАНОВА Наргиза Махсатжоновна – Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси таянч докторанти. E-mail: hasanovafotima87@gmail.com